

ТУРКЧА ТИЛАК / ОЛҚИШ / ДУОЛАРДА МАЪНО ХОДИСАЛАРИ

Махаммаджон Пулатбаевич Арипов

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd),

Туркишунослик олий мактаби бошлиғи,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Аннотация: Замонавий тилшуносликлардаги энг мунозарали мавзулардан бири ҳамон тил ва тафаккур масаласи ҳамда у билан боғлиқ ҳодисалар тадқиқи бўлиб қолаётганлиги барчамизга маълум. Айниқса, тилшуносликнинг бадий матн ва унинг моҳияти, стилистик, лингвопоэтик, прагматик, лингвокультурологик хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқотлар сонининг кун сайин ортиб бораётганлиги, лингвопоэтика соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг тобора кенгайиб, янгича моҳият касб этиб бораётгани, ишлар кўлами тилимизнинг ўзига хос имкониятларини намоён қилишда нечоғли самарали эканлигини тилшунослар яхши билишади. Филологик тадқиқотларда тил бирликларини тилшунослик ва адабиётшуносликнинг илмий методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилинишига эришиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Тил бирликлари ва айтилган пайтда бу бирликлар ўртасида қандай муносабатлар иштирок этган, асосий фикр билан уни ифодаловчи тил бирлиги ўртасидаги мазмуний-руҳий уйғунлик қандай намоён бўлгани каби зарурий масалаларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: синонимлар, лексема, семема, антоним, антисемия, энантиосемияга.

Кириш қисми: Турк тилида ҳам сўзлар маънодошлиги ҳодисасига алоҳида аҳамият кўрсатилади. Тилак, олқиш ва дуоларнинг лексик таркибида ўзаро яқин маъноли сўзлардан кенг фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, «синонимлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойлик даражасини кўрсатиб берувчи ўзига хос воситадир. Тилда синонимларнинг кўп бўлиши тилнинг эстетик вазифасини янада тўлиқ бажара олишини осонлаштиради»¹.

Ш.Раҳматуллаев мазкур ҳодисанинг тил сатҳларидаги мавжудлигидан келиб чиқиб, уларни дастлаб луғавий ва грамматик синонимияга ажратади. Яна, ўз навбатида луғавий синонимияни лексик, фразеологик ва лексик-фразеологик сингари турларга бўлади. Маъно қирраларининг фарқланишига кўра эса маъновий синонимлар (идеографик синонимлар), услубий синонимлар ва нутқий синонимлар каби турларини ажратади². Турсунов ва бошқалар ҳаммуаллифлигидаги «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида синонимияга шундай таъриф берилади: «Тил бирликларининг айтилган бир маънони англатиши асосида гуруҳланиши синонимия дейилади (юнонча *synonimon* — биргаликда исмлилик). Синонимия икки ва ундан ортик; тил бирлигининг ўзаро маъно муносабати асосида туғилади. Бундай муносабатда қатнашувчи бирликларнинг миқдорини чеклаб бўлмайди. Иккинчидан, бу тил бирликлари ўз ичида мунтазам бир системани ташкил этади. Шу хусусиятларини ҳисобга олиб, синонимия муносабати ҳосил этувчи тил бирликлари бири иккинчисига нисбатан синоним дейилади, синонимлар жамланган ҳолда синонимия қатори деб юритилади. Синонимия луғавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжуд. Шунга кўра синонимия икки хил: I. Луғавий синонимия — луғавий бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: куюш, кун; кўк, осмон; чопмоқ, югурмоқ каби. II. Грамматик синонимия

¹ Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.ф. док. ...дисс. – Тошкент, 2009. – 218 б.

² Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 109 б.

— грамматик бирликларнинг узаро синоним бўлиши: -яп, -ётир (уқияпман, уқиётирман) каби»3.

Р.Сайфуллаева бошчилигидаги тилшунослар гуруҳи томонидан тайёрланган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» ўқув қўлланмасида мазкур ходиса шундай изоҳланади: «Шаклан ҳар хил, аммо бир тушунчани турли бўёқ ва оттенка билан ифодаладиган лексемалар синоним дейилади. Синоним лексема орасидаги муносабат синонимия ёки синонимик муносабат деб юритилади. Синоним лексема семемаларидаги аташ ва вазифа семаси айнан бир хил бўлиб, ифода семаси фарқланади. Мисол сифатида [юз]-[бет]-[афт]-[башара]-[турк] қаторини келтириш мақсадга мувофиқ. Маънодошлик қаторидаги мазкур лексемаларнинг барчасида аташ семалари бир хил: «одам боши олд томони», «пешонадан ияккача». Аммо ифода семалари ҳар бир лексемада ўзига хос. Аниқроғи, «шахсий муносабат» ҳар бир лексемада бошқа-бошқа намоён бўлган. У [юз] лексемасида «шахсий бетараф муносабат» кўринишида бўлса, [турк] лексемасида «ўта кучли шахсий салбий муносабат» тарзида»4.

Синонимларни ўрганиш ва осон тушунишда И.Голуб таснифи эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, маъно оттенкалари билан фарқланувчи синонимлар семантик синонимлар, бир хил маънога эга бўлиб, услубий бўёқдорлиги билан ажралиб турувчи синонимлар услубий синонимлардир. Услубий синонимлар турли ёки бир вазифавий услубга тегишли бўлиб, турли эмоционал-экспрессив оттенкалари билан ўзаро фарқланади. Ҳам маъноси, ҳам услубий бўёғи билан фарқланадиган синонимлар эса семантик-услубий синонимлар ҳисобланади5.

З.Хованская синонимлар таснифи ҳақида қуйидагиларни ёзади: «луғавий синонимлар – бир сўз туркумига тегишли бўлган, ўз маъносида жинс ва тур аломатларини сақлайдиган, мавҳумликнинг бир хил сатҳига алоқадор ва денотатив ёки маънонинг услубий компонентлари билан фарқ қиладиган тил бирлигидир»6.

Allah suçumuzu-günahımızı affede. (L.A.S.30.)7 «Аллоҳ айб-гуноҳларимизни кечирсин.» *Suç* сўзи турк тили электрон луғатлар порталида8 1) ахлоқ қоидаларга зид муносабатда бўлиш; 2) қонунларга қарши ҳаракат қилиш тарзида изоҳланган. Мазкур луғатда *günah* сўзининг 1) динда хатолиги таъкидланган ишни қилиш, вабол; 2) ачинарли хатти-ҳаракат, афсусланадиган иш қилиш. 3) масъулият, жавобгарлик; 4) Қабоҳат, оғир айб иш9 маънолари келтирилган. Изоҳлардан кўринадики, *suç* ва *günah* сўзларининг ўзаро маънодошлик касб этиши «тақиқланганлик», «бажарилган тақдирда жазонинг муқаррарлиги» маъноларига асосланган. Биринчи сўз расмий манбаларда кўп учраса, иккинчиси диний контекстга хос бирлик ҳисобланади. Дуо матнида синонимик жуфтлик тарзида ишлатилиши мазкур сўзлар маъно чегарасини кенгайтиради. Яъни, «тақиқланган, муайян жазо муқаррар бўлган амалларни қилган бўлсак, Аллоҳ афв этсин» мазмуни реаллашади.

Allah akıl-fükür versin (L.A.S.86.). – «Аллоҳ ақл-фикр берсин» *Akıl* сўзи турк тилининг изоҳли луғатида 1) фикрлаш; 2) мия; 3) насиҳат, ўғит; 4) ўй, фикр маънолари бор. *Fükür*

3 Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Олий ўқув юрт. филология фак. талабалари учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 101 б.

4 Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. — Тошкент, 2009. — 104 б.

5 Голуб И. Стилистика русского языка. — М.: Айрис-Пресс, 2001. — С.41.

6 Хованская З. Стилистика современного французского языка. — М.: Высшая школа, 1984. — С.82.

7 Бу бўлимдаги мисоллар ушбу манбадан олинди. Akalın L.S, Türk Dilek sözlerinde Alkışlar Kargışlar, Ankara, Kültür Bakanlığı Yay., 1990. (мисолларда қискартириб L.A.S. шаклида кўрсатилди.)

8 <https://sozluk.gov.tr/>

9 <https://sozluk.gov.tr/>

сўзи *fikir* сўзининг оғзаки нутққа хос шакли. Шу боис тилак матнида фонетик ўзгариш билан ифодаланган. Турк тили изоҳли луғатларида ушбу сўзнинг: 1) фикр, мулоҳаза, мутолаа; 2) ўй, ғоя каби маънолари берилган. Тилак таркибида мазкур синонимик жуфтликнинг берилиши тилак маъносининг кенгайиши ва таъсир кучининг ортишига сабаб бўлган.

Синонимия бу – одамнинг дунёни концептуал билиш усулларида бири бўлиб, у орқали бирор объектнинг турли қирралари идрок этилади, тушунилади. Баъзан контекстда икки ёки ундан ортиқ синонимдан фойдаланиш ифодаланмоқчи бўлган тушунчани очиб беришнинг кучли услубий воситаси ҳисобланади.

Allah yavuz dilden, kem nazardan saklasin (L.A.S.327.). – «Аллоҳ ёмон сўздан, ёмон кўздан асрасин». Бу ўринда ёмон сўздан, ёмон кўздан ва ёмон назардан асраш маъноси тилакнинг мазмуний мундарижасини ташкил этган. *Yavuz kem* сўзлари турк тили луғатларида қуйидагича изоҳланади: *Yavuz*. 1) ёвуз, ёмон; 2) кучли, мустаҳкам; 3) яхши, кўркам, чиройли; Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2-, 3- изоҳлар турк нутқида ижобий маънода ҳам қўлланилади. Аммо таҳлилга тортилган тилакда бу сўз ёмон маъносида келган. *Kem* сўзи 1) нуқсон, камчилик; 2) ёмон маъноларини билдиради. Демак, мазкур тилак матнида икки сўз биргаликда синонимик қаторни ташкил қилиб, бир маънони («ёмон») таъсирчан ифодалаш учун ишлатилмоқда.

Allah arsız-yüzsüze düşürmesin (L.A.S.376.). – «Аллоҳ орсизга-юзсизга муҳтож қилмасин», *Arsız* ва *yüzsüz* сўзлари тилак матнида ўзаро синонимик қатор ҳосил қилган. Бу сўзларнинг луғавий маънолари қуйидагича: *arsız* 1) уяти йўқ, ҳеч қачон хижолат тортмайдиган, бети қаттиқ; 2) оч кўз; 3) ўсимлик номи, ажриқ. *Yüzsüz* 1) бети йўқ; 2) уялмайдиган, тортинмайдиган, юзсиз, орсиз. Маънодош сўзларнинг бу тарзда қўллашдан мақсад нутқнинг эмоционал-экспрессив кучини орттириш ва ифоданинг ранг-баранглигини таъминлаш бўлади. Шунингдек, интонацион бутунлик ҳосил қилишга ҳам хизмат қилган. Агар бу дуо *Allah arsız düşürmesin* тарзида шаклланганда эди мазмун-моҳиятида ўзгариш бўлмаса ҳам интонацион бутунлигига путур етган бўлар эди. Таъсирчанлик у қадар сезиларли бўлмас эди.

Allah kadir-kiymet bilmeze düşürmesin (L.A.S.387.). – «Аллоҳ кадр-қиймат билмайдиганга учратмасин». Ушбу тилакда *kadir* ва *kiymet* сўзлари ўзбек тилида ҳам турк тилида ҳам синонимик қатор ташкил қилади. Бу сўзларнинг маънолари луғатларда қуйидагича изоҳланган: *kadir* 1) кадр, қиймат; 2) (аст.) бир юлдузнинг порлаш жиҳатида зинаси, қавати, турган ўрни. *Kadir* сўзи талафузда урғу биринчи бўғинга тушса, умуман, бошқа маънодаги сўзга, яъни *қодир* сўзига ҳам айланади. *Kiymet* сўзи эса оғзаки нутқда «кадр» маъносида фаол қўлланади. Икки сўз биргаликда «эътибор, ҳурмат» каби инсоний фазилатларнинг қабарик ифодаланишига имкон яратган.

Allah uğursuz-kademsiz düşürmesin (L.A.S.390.). – «Аллоҳ шумқадамдан асрасин». *Uğursuz* сўзи луғатларда «омадсиз», «хайрсиз», «иши юришмас», «толесиз», «мусибат», «машъум», «шум» маъноларида келади¹⁰. *Kademsiz* сўзининг синоними сифатида фақат *uğursuz* сўзи кўрсатилади¹¹. Бу синонимик қатордаги сўзларнинг биринчиси адабий тилда ва оғзаки нутқда фаол лексик қатламга мансуб. Иккинчи сўз эса ҳозирги турк тили учун фаол лексик қатлам бирлиги ҳисобланмайди. Уларнинг бир синонимик жуфтликда қўлланиши нофаол сўзнинг актуаллашувига имкон яратган. Араб тилида фақат диний контекстда қўлланидиган сўзлар кўпинча дуолар матнида шу тазда фаоллаштирилади.

10 <https://sozluk.gov.tr/>

11 <https://sozluk.gov.tr/>

Тилак / олқиш / дуолар матнида инсон тана аъзолари билан боғлиқ меронимик бирликлардан ҳам кўп фойдаланилади. Бунда, асосан, бош, тан, бел, қўл, оёқ, кўз ва бошқалар иштирок этади: *Ayađına taş deđmesin* – «Ишинг ўнгидан келсин», *Başına bela gelmeye* – «Бошинг омон бўлсин», *Dilini şerden saklayasın* – «Тилингни ёмон сўздан асрагин», *Belin arsızın-yüzsüzün önünde eğilmeye* – «Белинг ориятсиз кишилар олдида букилмасин» ва б.

Kimseye el-aviuç açmayasın (L.A.S.416.). – «Ҳеч кимга қўлинг-кафтингни очмагин». Ушбу тилакдаги *el-aviuç* меронимлари орқали матнда синонимик муносабат юзага келган. Турк тилида *el* сўзининг ўнга яқин маъноси мавжуд. Тана аъзоси сифатида «қўлнинг билакдан бармоқ учигача бўлган қисми»ни англатади. *Avuç* сўзи «қўлнинг билакдан бармоқ учигача бўлган қисмининг ички томони, кафт», «ҳовуч» маъноларини билдиради. Мазкур контекстда *aviuç* сўзи *açmak* (авуч ачмак) феъли билан қолиплашган ҳолда нофаол лексик қатламга оид мероним ҳисобланади. Замоनावий турк тилида *elini aç* «қўлингни оч», *elini göster, elinin içini göster* «қўлингни кўрсат, қўлингнинг ичини кўрсат» тарзида ишлатилади. *Avuç* сўзи қадимги туркий сўз бўлиб, Нишанян луғатида «*ayaça aş bérmiş avutça suv tutmuş*» [el dolusu aş vermiş, avuç dolusu su tutmuş]¹² – «кафтига яраша ош, ҳовучига яраша сув берибди» тарзида ифодаланган.

Бутун-бўлак муносабатини ифодаловчи меронимлар ҳам тилак ва дуо матнида кўп кузатилади. *Allah eline koluna dert vermeye* (L.A.S.423.). – «Аллоҳ қўлингга, билакларингга дард бермасин». *El-kol* сўзлари синоним сўзлар эмас, худди *el-aviuç* жуфтлигида бўлгани каби бир-бирини тақазо қиладиган коррелятив сўзлардир. Бунда «меҳнат қилиш», «бошқаларга ёрдам кўрсатиш воситаси» маънолардаги муҳим тана аъзосининг саломат бўлиши назарда тутилган.

Турк тилида қўл сўзи билан қанот сўзини жуфт ҳолда ишлатиш ҳам кўп учрайди: *Kolun-kanadın kırılmaya* (L.A.S.793.). – «Қўл қанотинг синмасин», *Sevenlerine kol-kanat olasın* (L.A.S.). – «Яхши кўрганларингга қўл-қанот бўлгин», *Allah kol-kanat vere* (L.A.S.792.). – «Аллоҳ қўл-қанот берсин». Бундай жуфтликларда *kol* сўзи «меҳнат қилиш», «бошқаларга ёрдам кўрсатиш» воситаси маъноларини ифодаласа, *kanat* сўзи «учиш», «юксалиш» воситаси маъноларида контекстуал синонимияни ҳосил қилмоқда. Икки фарқли маънолардаги сўзлар жуфтлашиб «қариндош, яқинлар» (*Kolun-kanadın kırılmaya*), «ҳимоячи, қўлловчи» (*Sevenlerine kol-kanat olasın*), «куч-қудрат», «соғлиқ» (*Allah kol-kanat vere*) маъноларини ифодалашга хосланган.

Нутқий ранг-барангликни таъминлашда синонимларнинг ўрни жуда муҳим бўлиб, улар такрорнинг олдини олишга ёрдам беради, фикрни аниқ етказишга, маълум бир нарса-ҳодиса, белги-хусусиятларнинг ички фарқланишларини ифода этишга имкон беради.

Allah seni fesattan-fitnedden koruya (L.A.S.468.). – «Аллоҳ сени фитна-фасоддан асрасин». Ушбу тилакда *fesat-fitne* сўзлари турк тилида ўзаро синонимик қаторни ташкил этади. Ушбу сўзларни «бузғунчилик», «орага совуқчилик солиш» маънолари умумлаштириб туради. Тилакда бу икки сўз «бузғунчиликнинг ҳар турлисидан» маъносини батафсил, кенгайтириб ифодалаш учун қўлланилган.

Sağ gidip esen gelsin (L.A.S.496.). – «Соғ бориб саломат келгин». Тилакдаги *sağ* ва *esen* сўзлари синонимик қатор бирликлари ҳисобланади. Бунда такрордан қочиш, нутқни ранг-баранг сўзлар билан бойитиш ва шу орқали экспрессивликка эришиш мақсад қилинган. Ҳар икки сўз ҳам «соғлиқ, саломатлик» маъносини ифодалашга хизмат қилса-да, иккинчи сўз нисбатан нофаол ҳисобланади. Мазкур қолипда айни сўз ўз маъноси билан фаоллашган.

Sağlıkla git, selamete gel (L.A.S.497.). – «Ой бориб, омон қайт». *Sağlık* ва *selamet* сўзлари ўзаро синонимлар сўзлар бўлиб, маънони кучли таъкидлаш ҳамда нуткий ранг-барангликни таъминлаш мақсадида бир контекстда келтирилган. Зикр этилган тилакда ушбу синонимлар «жисмоний соғломлик», «тансихатлик» маъноларини поэтик жиҳатдан таъсирчан шаклда ифодалаб келган. Бунда «с», «л» ва «г» ундошларининг такроридан ўзига хос оҳангдошлик ҳосил қилинган.

Güllük-gülüstanlık içinde yaşayasin (L.A.S.540.). – «Гул-бўстон ичида яшаш насиб қилсин». Контекстдаги *güllük-gülüstanlık* синонимик жуфтлиги «гул ва боғ», «гули кўп бўлган жой», «гулзор» маъносини ифодалаб келади. Алоқадорлигига кўра партонимик муносабатни ташкил этади. Кўчма маънода эса «хузур-ҳаловатда, гўзал ва бой-бадавлат умр ўтказ» тилаги ифодаланган.

Hayırlı uğurlu olsun (L.A.S.590.). – «Хайрли, баракали бўлсин». *Hayırlısı-uğurlusu* (L.A.S.591.). – «Хайрли-баракали бўлгани насиб этсин». *Hayırlı* ва *uğurlu* сўзлари келтирилган тилак матнларида синонимик жуфтлик ҳосил қилган. Ҳар икки сўз ҳам турк тилида фаол қатламга мансуб бўлиб, синонимик қатор сифатида ишлатилганда белгининг ортиқлиги, кўплиги, доимийлиги назарда тутилади.

Allah kazadan beladan korusun (L.A.S.762.). – «Аллоҳ балодан офатдан асрасин». *Kaza, bela* сўзларининг тилак матнида синонимик жуфтлик сифатида қўлланишида ҳар икки сўзга хос «катта зарарга сабабчи бўлган вазият, ҳолат» маъноси етакчилик қилади. Дуода шу каби нохуш вазиятлардан, ҳолат ва ҳодисалардан Аллоҳ асрасин деган мазмун реаллашган.

Синонимларнинг мавжудлиги сўзловчига нутқда маъно жиҳатидан жуда яқин сўзлардан зарурини танлашига имкон беради.

Yokluk-yoksulluk görmeyesin (L.A.S.1238.). – «Йўқчилик, муҳтожлик кўрмагин». *Yokluk* ва *yoksulluk* сўзлари тилак матнида синонимик қаторни ташкил этган. Бу сўзлар ўзаро «фақирлик, муҳтожлик» маъноларида бирлашган.

Yurtsuz-yuvasız kalmayasin. (L.A.S.1257.) – «Уйсиз-ватансиз қолишдан сақласин». *Yurtsuz* ва *yuvasız* сўзлари сўзма-сўз таржимада «юртсиз, ватансиз», «уйсиз, бошпанасиз» маъноларини ифодалайди. Тилак ва дуо контекстида эса «оила» маъноси ҳам бирга англашилади. Яъни, «ватансиз, бошпанасиз ва оиласиз қолмагин». Зеро, юрт-ватан ҳам уй-бошпана ҳам унинг эгаси билан мазмун-моҳият касб этади.

Айтиш мумкинки, «синонимлар тил бирликларининг такрори натижасида юзага келадиган ифода камбағаллиги ва рангсизлигини бартараф этиш учун қулай воситадир. Бундай мақсадда қўлланган синонимлар муайян даражада поэтик актуаллик ҳам касб этади»¹³.

Туркий халқларнинг қадимий эпик асари бўлган «Қўрқут ота» достонидаги дуолар систематикаси деярли бугун ҳам туркий халқлар дуо анъанасида ўз мазмуни ва шаклу шамойилини сақлаган. Мазкур достонда Аллоҳга олқишлар айтишда синонимик қатор ташкил этувчи сўзлардан ва контекстуал синонимиядан кенг фойдаланилганлиги кузатилади.

Сен доим ва боқий Аллоҳсан,
Сенинг бўйи-бастинг йўқ,
Ёхуд жисму жаддинг йўқ,
Урганини турғазмаган улуғ Тангри,
Босган изини билдирмаган буюк Тангри,
Улуғлаганни кўкка кўтарган гўзал Тангри,

13 Юлдашев М. Ўша манба. –Б.90.

Аччиғини келтирганга қаҳр қилган қаҳҳор Тангри,
Бирлигинга сиғинганим, Раббим, қодир Танграм¹⁴.

Мазкур матндаги «доим» ва «боқий» сўзлари «ҳамиша мавжудлик, сўнгсизлик» умумлаштирувчи маъноларида бир синонимик қаторни ташкил этади. Тангрининг «ўлимсизлигини», «замонга тобе эмаслигини» кучли тарзда ифодалашга хизмат қилган. «Бўй» ва «баст» сўзларининг жуфт ҳолда (бўйи-баст) қўлланиши ҳам «гавданинг бутун борлиғича, яхлит кўриниши, қад, қомат» маъносини интонацион жиҳатдан таъсирчан ифодаланишига хизмат қилган. Яъни тангрининг бадансизлиги, баданнинг фақат фонийларга хос унсур эканлигини таъкидлаш учун ишлатилган. *Ёхуд жисму жаддинг йўқ жумласидаги «жисм» ва «жад(д)» сўзлари ҳам айни маънони кучли ифодалаб келган.* Бунда жад(д) сўзининг ўзбек тилида аждод шакли кўп қўлланади. «Жисм» сўзи билан жуфт ҳолда қўлланишида «жисмлилар, жисмга эга мавжудотлар, баданга маҳкум қилинганлар» каби муштарак маънолар асос бўлган. Бу икки сўз матнда контекстуал синонимияни ҳосил қилган. «Раб» ва «тангри» сўзлари ҳам яратувчининг турли тиллардаги номи бўлиб, матнда синонимик қаторни ташкил этган.

Адабиётларда контекстуал синонимия ҳодисасига алоҳида эътибор билан қаралади. «Маънодошлик парадигмаси доимо очик. Жамият, давр талаби асосида кераксизи истеъмолдан чиқиб, қатор янгилари билан бойиб бораверади. Нутқда маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ бирликлари, иборалар, мустақил лексема семемаларининг тури, ясама сўз, сўз бирикмаси, нутқий кўчма сўз билан тўлиб, кенгайиб боради. Булар контекстуал синоним сифатида нутқнинг гўзаллиги ва бойлигини таъминловчи восита саналади»¹⁵. Дарҳақиқат, контекстуал синонимия турли кўринишларга эга. «Бундай синонимик муносабат ҳар гал нутқнинг ўзида воқе бўлади, шу аниқ нутқдан ташқарида йўққа чиқади. Бундай синонимия, масалан, олмош билан бошқа туркум лексемаси орасида, олмош билан бирикма, гап, ҳатто абзац орасида, шахс, предмет, мавҳум тушунча номи билан шунинг тасвирий муқобили орасида пайдо бўлади»¹⁶. Контекстуал синонимиядан олқиш ва дуоларда ҳам кўп фойдаланилади. *Allah hastalarımıza kamil şifalar vere. Onların çektığı acıların acrını vere.* – «Аллоҳ беморларимизга комил шифолар берсин. Улар чеккан азобларнинг муқофотини берсин.» Мазкур дуо матнидаги биринчи гапда келган беморлар сўзи иккинчи гапда улар олмоши билан ифодаланган. Бу тарздаги гап қолиплари тилак ва дуоларда кўп кузатилади. Дуо ва олқишларнинг эмоционал-экспрессив жиҳатдан янада таъсирчан ифодаланишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Akalın L.S, Türk Dilek sözlerinde Alkışlar Kargışlar, Ankara, Kültür Bakanlığı Yay., 1990.
2. Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. — Тошкент, 2009. — 104 б.
3. Голуб И. Стилистика русского языка. — М.: Айрис-Пресс, 2001. — С.41.
4. Хованская З. Стилистика современного французского языка. — М.: Высшая школа, 1984. — С.82.

¹⁴ Таржима бизники.

¹⁵ Сайфуллаева ва бошқ. Ўша манба. — Б.105.

¹⁶ Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Олий ўқув юрт. филология фак. талабалари учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. — Т.:Ўзбекистон, 1992. — Б.101.

6. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Олий ўқув юрт. филология фак. талабалари учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. — Т.: Ўзбекистон, 1992. —Б.101.

7. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. —Т.: Мумтоз сўз. —Б.188.

Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Филол. фан. номз. ...автореф. —Тошкент, 2010.

8. Каримова С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: филол. фан.д-ри. дисс. — Самарқанд, 1993. —Б. 219-220.

9. Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза: филол. фан. номз. дисс. —Тошкент, 2000. —Б.144.

10. Шомақсудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. —Тошкент: Ўқитувчи, 1983. — Б.234.

11. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш. —Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007. —Б.55.

12. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. —Тошкент: Фан, 2007. —Б.55.

13. Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърини лингвопоэтикаси. филол. фан. номз. дисс. —Тошкент, 2007. —Б. 16.

14. Нецименко Г. Язык и культура в истории этноса // Язык. Этнос. Культура. М., 1994. — с.28.

15. Arifov, Maxamadjon Pulatbaevich. “Semantics of wishes/applause/Prayers Associated With Religious Terms”. *International journal of linguistics, literature and culture* 7, no. 4 (June 1, 2021): 274–278. Accessed December 16, 2024. <https://sloap.org/journals/index.php/ijllc/article/view/1808>.

16. Arifov Maxamadjon Pulatbaevich. (2022, апрель 28). ТИЛАК ОЛҚИШ ДУОЛАРИНИНГ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, turkey. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6502669>